

Жиззах вилоятида саноат ишлаб чиқариши


2025 йил январь-октябрь ойлари учун

- I. Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони
- II. Жиззах вилоятида саноатининг асосий кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида
- III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- IV. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
- V. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони

2025 йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра вилоятда 2 097 та саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, шундан 628 таси (фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 29,9 % и) Жиззах шаҳри, 377 таси (18,0 %) Шароф Рашидов, 209 таси (10,0 %) Ғаллаорол, 212 таси (10,1 %) Зомин ва 102 таси (4,9 %) Бахмал туманлари ҳиссаларига тўғри келди.

Корхоналар сони
1 ноябр ҳолатига кўра



II. Жиззах вилоятида саноатнинг асосий кўрсаткичлари, ҳудудлар кесимида

Дастлабки маълумотлар бўйича 2025 йилнинг январь-октябр ойларида вилоят корхоналари томонидан 29 041,8 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2024 йилнинг январь-октябр ойларида нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 114,3 % ни ташкил этди.

	Ҳажми, млрд сўм	Физик ҳажм индекси, % да
Жиззах вилояти	29 041,8	114,3
Жиззах шаҳри	8 283,7	131,1
<i>туманлар:</i>		
Арнасой тумани	262,9	106,6
Бахмал тумани	151,1	110,4
Ғаллаорол тумани	11 084,4	115,6
Шароф Рашидов тумани	948,7	119,4
Дўстлик тумани	1 064,6	109,4
Зомин тумани	846,5	106,3
Зарбдор тумани	235,2	110,2
Зафаробод тумани	1 058,8	102,9
Мирзачўл тумани	361,9	112,8
Пахтакор тумани	1 252,0	113,0
Фориш тумани	1 427,6	111,5
Янгиобод тумани	98,6	114,4

*) Norasmiy va yashirin iqtisodiyotni statistik baholash bo'yicha o'tkazilgan kuzatuvlar natijalarini qo'shgan holda.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари \(ойлик\)](#)


[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари \(йиллик\)](#)

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Жиззах шаҳрида (41 154,9 минг сўм), Ғаллаорол (57 735,1 минг сўм) ҳамда Зафаробод (19 303,6 минг сўм) туманларида ўртача вилоят кўрсаткичи даражаси (18 752,2 минг сўм) дан сезиларли даражада юқорилигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, вилоят бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,1 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Жиззах шаҳрида 128,6 %, Шароф Рашидов туманида 116,5 % ни ҳамда Ғаллаорол туманида 113,4 % ни ташкил этиб, вилоят кўрсаткичига нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилди.


Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
январь-октябрь ойларида



Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 28 324,6 млрд сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 97,5 %) ни ташкил этган бўлса, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш 269,8 млрд сўм (0,9 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 276,3 млрд сўм (1,0 %) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 171,1 млрд сўм (0,6 %) ни ташкил этди.

Саноатнинг асосий секциялари бўйича ишлаб ишлаб чиқариш ҳажми,
жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, физик ҳажм индекси
2025 йилнинг январь-октябрь ойларида



III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2025 йилнинг январь-октябр ойларида вилоятда 2,7 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (2024 йилнинг январь-октябр ойига нисбатан 74,1 % га камайган), 14,4 минг тонна (тозаланган) ўсимлик ёғи (118,0 % га кўпайган), 17,8 минг тонна пахта толаси (114,1 % га кўпайган) ҳамда 27,1 минг тонна пахта чигити 112,7 % га кўпайгани кузатилди.

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-октябр*	2024 йил январь-октябр*	2025 йил январь-октябр*
Юмшоқ буғдой ва спелта уни - тонна	13 387,9	10 601,8	2 741,0
Ўсимлик ёғи (тозаланган) - тонна	5 069,1	12 200,1	14 394,0
Пахта толаси - тонна	20 464,3	15 613,0	17 811,5
Пахта чигити - тонна	31 327,3	24 085,2	27 140,3
Пиво - минг. литр	-	2 609,1	2 924,7
Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж полотнолар - тонна	2 203,0	1 799,0	2 402,6
Поршенли двигателларни ишга тушириш учун қўрғошинли аккумуляторлар - минг дона	922,2	886,9	822,9
Енгил автомобиллар (KIA, CHERY, HAVAI, BYD) - дона	21 973	25 327	52 455
Пахта линти - тонна	1 842,5	1 459,6	1 506,4
Портландцемент - тонна	2 104 263,0	1 818 516,8	2 796 165,0

*2023-2025 йилларнинг январь-октябр ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлар \(йиллик\)](#)

**Ишлаб чиқарадиган саноат таркибига кирувчи айрим иқтисодий
фаолият турларининг саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари**

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 9,1 % (2024 йилнинг январь-октябр ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 101,5 %), бошқа нometалл минерал маҳсулотлари, ишлаб чиқаришнинг улуши – 9,5 % (2024 йилнинг январь- октябр ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 109,3 %)ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатнинг технологик таркиби ва улуши


Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 0,3 % ни (2024 йилнинг январь-октябр ойларида 0,2 %), ўрта-юқори технологияли – 57,3 % (54,3 %), ўрта-қуйи технологияли – 14,4 % (12,9 %), қуйи технологияли 25,6 % (29,6 %)ни ташкил этган.



**Жиззах вилоятида йирик корхоналар томонидан
енгил автомобиллар ишлаб чиқариш
январь-октябр ойларида**


Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида 2025 йилнинг январь-октябр ойларида 7 771 дона «Chery» (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30,6 % га кўпайган), 21 970 дона «KIA» (28,8 % га кўпайган), 7 654 дона «Haval» (3,3 мартага ошди) ва 15 010 дона «BYD» (ўтган йили бўлмаган) автомобиллари ишлаб чиқарилди.

Жиззах вилоятида йирик корхоналар томонидан
ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар, донда




■ "KIA"


январь-октябрь ойларида



■ "CHERY"



■ "HAVAL"



■ BYD

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 276,3 млрд. сўмни, (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 1,0 % ни) ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-октябрь*	2024 йил январь-октябрь*	2025 йил январь-октябрь*
Электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар, млн. сўм	171 273,2	239 957,7	200 234,5
Газсимон ёнилғини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар, млн. сўм	58 593,2	71 350,9	76 079,2

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш
ва утилизация қилиш корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш ҳажми**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 171,1 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ини) ташкил этди.


Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-октябр*	2024 йил январь-октябр*	2025 йил январь-октябр*
Сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар, млн. сўм,	53 821,0	70 053,2	124 974,3
Чиқиндиларни йиғиш, ишлов бериш, йўқотиш, утилизация қилиш бўйича хизматлар, млн. сўм	12 745,7	31 073,9	46 129,4

**2023-2024 йилларнинг январь-октябр ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

**IV. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари
томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 7 119,8 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 24,5 % ни ташкил этди. 2024 йилнинг январь-октябр ойларида кичик бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 28,3 % ни ташкил этган.

IV. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми



V. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Саноат бу – хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларини яратишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш тармоғи.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича ҳисоблаш методикаси (қисқача)

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (ЎзДСт 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Буларга тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар (Б, С, Д, Э секциялари) киради. Саноат бўйича статистика маълумотлари қуйидагилар асосида шакллантирилади: а) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик) маълумотлари асосида; б) кичик корхоналар, микрофирмаларнинг чораклик танланма кузатувлари натижалари асосида; д) ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма статистика кузатуви маълумотлари; э) уй хўжаликлари кузатуви материаллари.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткич.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси бўйича таъриф

Физик ҳажм индексини ҳисоблаш дефляторлаш усули орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг қиймат кўринишдаги динамикаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, кейинчалик алоҳида индекслар иқтисодий фаолият турлари бўйича йириклаштирилган индексларга босқичма-босқич агрегацияланади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш физик ҳажм индексини дефляторлаш усули билан ҳисоблашнинг афзалликлари: бу усул индексга турли хил товарлар гуруҳларига киришга имкон беради; статистик танлаб олинган нархлардан тегишли товарлар гуруҳининг вакили сифатида фойдаланиш мумкин; дефляторлаш усули ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдаги сифатли ўзгаришларни ҳисобга олишга имкон беради. Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажмининг йиғма индекси, базис йилнинг қўшилган қиймат тузилмасига қайта ҳисобланган секциялар бўйича индекс кўрсаткичларини агрегациялаш орқали аниқланади.

Саноат ишлаб чиқаришининг таркиби асосий 4 та В, С, D, Е секцияларидан ташкил топган бўлиб қуйидагилардан иборат:

В - Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

С - Ишлаб чиқариш саноати

D - Электр газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Е - Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/679-sanoat-ishlab-chiqarishining-umumiy-hajmi-qiymatini-baholash-bo-yicha-uslubiy-nizom-ni-tasdiqlash-to-g-risida>

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/477-erbfgheheh5446456>

Тайёрлаш учун масъул:
Саноат ва энергетика
статистикаси бўлими

Манзил: 130100, Жиззах
шаҳри, Тўқимачилар
кўчаси, 7
Почта: info@jizzaxstat.uz
тел: 72-221-51-27)

Манзил:

